

“ТАСДИҚЛАНДИ”

“Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув раиси

Б.Нарматов



2021 йил 8 ноябрда 22-сонли Жамият бошқарув қарори билан тасдиқланган
 “Ўзтрансгаз” АЖ тизимида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳавфларини камайтириш бўйича
 2021-2022 йилларга мулжалланган “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ижроси юзасидан монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги
 ҲИСОБОТ

Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 114-сонли қарорининг 1-илоvasи 20-банди.

Мақсад: Ҳисоботни Жамият расмий веб-сайтига жойлаштириш ва Монополияга қарши курашиш қўмитасига юбориш.

Ваколатли шахс: Жамиятда жорий этилган монополияга қарши комплаенс тизими мониторингини ва фаолиятини таъминлаш учун Жамият бошқарувиغا ҳисобдор бўлган комплаенс-назорати бўлими бош мутахассиси И.Мажидов

Т/Р	Йўл харита бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар	Мониторинг натижасида
1	Жамият томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиш эҳтимолини баҳолаш бўйича	
1.1.	Жамиятнинг расмий веб-сайти (саҳифаси)да, “Рақобат чекланиши тўғрисида хабар бер” интерактив тугмачасини яратиш. Жамият томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиш эҳтимолини баҳолаш чора-тадбирларни амалга оширишда 2021 йил 30 ноябрь санасига Жамиятнинг расмий веб-сайти (саҳифаси)да “Рақобат чекланиши тўғрисида хабар бер” интерактив тугмачаси яратилди (келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб бориш учун).	
2.	Охириги 1 йил давомида Монополияга қарши орган томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган қоидабузарликлар, берилган тақдимномаларни ўрганиш.	
2.1.	Иқтисодий таҳлил департаментининг фаолиятида Аниқланган ҳолат: Монополияга қарши курашиш қўмитасининг вакили Ў.Бекмуродов томонидан “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2018-2019 йиллар даври фаолияти юзасидан ўрганиш натижаси бўйича 2020 йил 8 июль санасида тузилган Маълумотномага кўра, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 11 ноябрдаги №119-П – сонли буйруғига асосан “Ўзтрансгаз” АЖ табиий газни қувурлар орқали транспортировка қилиш хизмати бўйича табиий монополиялар субъектларининг давлат реестрига киритилганлиги, лекин ушбу хизмат учун тариф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон талаблари бўйича декларация қилинмаган. Кўрилган чоралар: Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ табиий газни транспортировкаси бўйича шакллантирилган тарифга зарур бўлган маълумотлар “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2021 йилда 25 июндаги №05-22-82/3072-сонли ҳамда 2021 йил 21 сентябрдаги №05-22/2-118/4841-сонли хатлари билан Молия вазирлигига ва Энергетика вазирлиги юборилган. Энергетика вазирлиги томонидан Молия вазирлигига 2021 йил 14 октябрда 5422-сонли хат билан киритилган. Табиий газни транспортировкаси бўйича “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан қўлланилиши кўзда тутилган тариф, бугунги санада нархларни тартибга солувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилмоқда.	

Т/Р	Йўл харита бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар	Мониторинг натижасида
а)	<p>Иқтисодий таҳлил департаментининг фаолиятида</p> <p>Истеъмолчиларга табиий газ етказиб беришда белгиланган тарифлар тўғри қўлланилишини назорат қилиш.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги 4388-сонли қарорига асосан “Ўзтрансгаз” АЖга табиий газни кейинчалик ягона оператор сифатида етказиб бериш, жумладан экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шу жумладан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ва хорижий компаниялардан харид қилиш тўғрисидаги шартномалар бўйича “Худудгазтаъминот” АЖ ва магистрал газ узатиш тизимида уланган истеъмолчиларга табиий газни сотиш функциялари юкланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги 633-сонли қарори билан ўрнатилган ёқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифлари, шу жумладан “Ўзтрансгаз” АЖ орқали реализация қилинадиган табиий газ тарифлари келтирилган. Табиий газни қувурлар орқали транспортировка қилиш хизмати ва табиий газни сотиш бўйича айрим истеъмолчиларга Хукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган тарифларга асосан “Ўзтрансгаз” АЖ фаолиятини олиб бормоқда.</p>	
2.2.	<p>Тижорат департаментининг фаолиятида</p> <p>Аниқланган ҳолат: Монополияга қарши курашиш қўмитаси вакилининг 2020 йил 8 июль санасидаги Маълумотномага кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 августдаги “Ёқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида”ги 633-сонли қарорига мувофиқ истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш тарифлари оширилганлиги оқибатида 1,4 коэффицент асосиз равишда қўлланилганлиги ва умумий ҳисобда 25.023,0 млн.сўм миқдорида “Ўзтрансгаз” АЖ истеъмолчилардан ортиқча тўлов ҳисобига қўшимча даромад олинган.</p> <p>Кўрилган чоралар: 2020 йил 14 октябр саноида “Ўзтрансгаз” АЖ (Бошқарув раиси У.Сайидов) ва “Худудгазтаъминот” АЖ (Бошқарув раиси Б.Эшмуратов) ўртасида истеъмолчиларга табиий газни реализация қилишда белгиланган нархлардан ортиқча олинган тўловларни қайта ўзаро ҳисоб китоб қилиш бўйича буйича *БАЁННОМА (Тижорат департаменти: Р.Туляганов, юридик бўлим: Ш.Улугҗаев ва марказий бухгалтерия: А.Хонназаров томонларидан имзоланган) тузилган. 2020 йил 14 октябрдан буён, яъни “Ўзтрансгаз” АЖнинг Тижорат департаменти, Юридик бўлими, Марказий бухгалтерия ва “Фосса” дастурини юритувчи мутахассис (А.Файзиёва) томонидан мазкур *БАЁННОМАга асосан истеъмолчилар билан қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва қайтариб берилиши лозим бўлган суммалар (худудлар ва истеъмолчилар кесимида) кўрсатилган ҳолда далолатномалар расмийлаштирилиши давом этмоқда. Шу билан бирга Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг Ҳайъат қарорларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида “Ўзтрансгаз” АЖ номига келиб тушган кўрсатма топшириқлари билан суд тартибида даъвогар бўлиб “Ўзтрансгаз” АЖни жавобгарлиги оқибатида тарафлар ўртасида низо (қарама қаршилиқлар) ишлари давом этмоқда.</p>	
2.3.	<p>Монополияга қарши комплекенс тизими натижасида (ваколатли шахснинг фаолиятида)</p> <p>Бунинг сабабларидан бири: “Ўзтрансгаз” АЖ юридик бўлими томонидан 2020-2021 йилларда истеъмолчилар билан тузиладиган табиий газ етказиб бериш бўйича шартномаларни ишлаб чиқилишида ҳамда “Монополияга қарши курашиш қўмитаси” нинг тегишли бўлими томонидан ушбу шартномаларни кўриб чиқиб тасдиқланишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида истеъмолчилардан тарифлар ўзгарганлигидан ортиқча олинган тўловларни қайта ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши билан боғлиқ масалалар инobatта олинмаган, яъни истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳамми учун тўлов кундан кундан бошлаб кўли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади (Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 122-1 банди).</p> <p>Бунинг оқибатида: Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг Ҳайъат қарорлари асосида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида “Ўзтрансгаз” АЖ жавобгар сифатида судлашиши оқибатида “Ўзтрансгаз” АЖ ортиқча бож тўловлар билан жарималар тўлаб келмоқда. Масалан, 2020 йилдан буён Самарқанд вилояти Монополия бошқармасининг 2019 йил 30 августдаги кўрсатмасига кўра, 15.12.2021 йил ҳолатида “Ўзтрансгаз” АЖ билан судлашишда тарафлар ўртасида айрим истеъмолчиларга ўзаро ҳисоб китоб қилиниши ҳамда Самарқанд вилояти Монополия бошқармасининг махсус транзит ҳисоб рақамига тўланган 2554 млн.сўм (Яккасарой тумани мажбурий ижро бюроси инкассо тўлов топшириқномаси билан 2021 йил 21 январда 2554,4 млн.сўм асосий қарз ва ижро йиғими учун 51,1 млн.сўм ҳамда 13.01.2021 йилда 30,4 млн.сўм давлат божи “Ўзтрансгаз” АЖ ҳисоб рақамидан ечиб олинган) масаласи юзасидан низо (қарама қаршилиқлар) ишлари давом этмоқда. Бу рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишида юқори даражали комплекенс хатари ҳисобланади (қонуний тартибга солувчи санкциялар ва молиявий йўқотишлар).</p>	

Т/Р	Йул харита бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар
	<p>Мониторинг натижасида</p> <p>Шу каби ҳолатларни келгусида давом эттирмаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарорига 1-иловаси билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисида"ги Низомнинг:</p> <p>23-бандига кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси раисининг қарорлари чиқарилишида; 45-бандига кўра, Хайъат қарорлари Монополияга қарши курашиш қўмитаси раисининг буйруғи (Монополияга қарши курашиш қўмитасининг қарорлари) билан амалга оширилишида; 47-бандига кўра, Хайъатнинг фаолият юритиш тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланган унинг регламенти билан белгиланишида, фақат истеъмолчилар аризалари бўлган ҳолда Монополия хайъати қарорлари чиқарилса, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтирилишига эришилади.</p> <p>Шунингдек, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ўртасида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал этилиши билан Жамият томонидан тўланадиган бож, ижро йиғими ва жарима тўловлари камайтирилишига эришилади, яъни Жамият иқтисодиётида молявий йўқотишлар камаяди. Чунки, "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 19.01.2017 йилдаги ПҚ-2733-сон қарорнинг 3-бандига кўра, юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қонун устуворлигини таъминлаш билан ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чораларни кўрадилар, деб белгиланган. Жамиятнинг юридик бўлими Монополияга қарши курашиш органи иштирокида 2021 йилда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида истеъмолчилардан тарифлар ўзгарганлигидан ортиқча олинган тўловларни қайта ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши билан боғлиқ масалалар бўйича вужудга келган низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чораларни кўрмаган. Яъни, 2022 йилда истеъмолчилар билан тузиладиган табиий газ етказиб бериш бўйича шартномаларни ишлаб чиқишида ҳамда "Монополияга қарши курашиш қўмитаси"нинг тегишли бўлими томонидан ушбу шартномаларни кўриб чиқиб тасдиқланишида Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли "Табиий газдан фойдаланиш қоидалари"нинг 122-1 банди талаблари инобатга олинди.</p>
II	<p>Монополияга қарши қонунчилик бузилишини олдини олиш бўйича</p>
3.	<p>Маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан (техник кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва муддатлари бўйича) харид қилиш имкони бўлмаган тақдирда, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг корпоратив харидларини импорт орқали амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини кузатув кенгашларига (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларига) асослаб берганлиги натижасида чиқарилган баённомаларни ўрганиш.</p>
3.1.	<p>Харидлар ва кооперацион алоқалар департаментининг фаолиятида 2020 йил 21 августдаги "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4812-сон Қарорининг 1-бандига мувофиқ, корпоратив буюртмачилар учун шундай тартиб ўрнатиладигани, унга кўра умумий қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чорақда рўйхати тасдиқланган ҳолда кузатув кенгашлари (таъсисчиларнинг умумий йиғилиши) томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, деб белгиланган.</p> <p>3.1. "Ўзтрансгаз" АЖ кузатув кенгашининг 14.01.2021 йилдаги йиғилиш баённомасига мувофиқ жами 31,6 млн.АҚШ долл. ва 11,9 млн.евро қийматидаги 11 та импорт шартномалар тузилиши маъқулланган ва Харид комиссияси томонидан 10 та шартномалар тузилиши бўйича баённомалар қабул қилинган. 1 та ҳолатда Кузатув кенгаши 1,7 млн.АҚШ.долл.га "ДУ80П газ турбинали двигателлар таъмири" бўйича шартнома тузилиши маъқулланган, 15.12.2021 й.ҳолатига шу йўналишга тендер эълон қилинган ва таклифлар тушмаганлиги сабабли маркетинг ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>"Ўзтрансгаз" АЖ кузатув кенгашининг 17.05.2021 йилдаги йиғилиш баённомасига мувофиқ жами 35,9 млн.АҚШ долл. ва 4,7 млн.евро қийматидаги 6 та импорт шартномалар тузилиши маъқулланган ва Харид комиссияси томонидан тегишли баённомалар қабул қилинган.</p>
	<p>Келишилган: Комплаенс-назорати бўлими бошлиғи Таништирилди: Иқтисодий таҳлил департаменти бошлиғи Тижорат департаменти бошлиғи Харидлар ва кооперацион алоқалар департаменти бошлиғи Юридик бўлими бошлиғи Мониторинг ўтказган ваколатли шахс: комплаенс-назорати бўлими бош мутахассиси</p> <p>С.Мирзамойдинов Б.Мукумов Р.Туляганов Ж.Киргизов Ш.Улугхўжаев И.Мажидов</p>